

---

## Шаҳар ҳоқими қабулида: ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Марғилон шаҳар ҳоқими, 1-сектор раҳбари Ш.Нисбатхонов томонидан шаҳар Маданият маркази биносида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари бўйича кенгайтирилган тартибда фуқаролар қабули ўтказилди.

Қабулда шаҳардаги 4 та сектор ҳамда корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ва масъуллар иштирок этишди.

Мазкур қабулда жами 67 нафар фуқароларнинг мурожаатлари кўриб чиқилди.

Қабул давомида тадбиркорлик, уй-жой, моддий ёрдам, субсидия, бандлик, соғлиқни сақлаш, бола нафақаси, газ, электр ва бошқа турли масалалар бўйича мурожаатлар рўйхатга олиниб, 11 та мурожаат жойида ижобий ҳал этилди, 15 та мурожаат эгасига ҳуқуқий тушунтириш берилди.

Қолган мурожаатларни ўз муддатларида ижросини таъминлаш бўйича тегишли ташкилот ва муассаса раҳбарларига топшириқлар берилди ва ижроси назоратга олинди.

2023-08-23 19:50:04